



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 19 » may

№ 293

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича дастлабки маълумот тақдим этилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ–5781-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, ИКАОнинг стандартлари ва тавсия этиладиган амалиётини ҳисобга олган ҳолда чегара назорати тартиб-таомиллари самарадорлигини ошириш ва соддалаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича дастлабки маълумот тақдим этилиши тартиби тўғрисидаги низом иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

2020 йил 1 июлдан бошлаб йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумот ИКАОнинг стандарт форматида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига (кейинги ўринларда – ДХХ ЧҚ) тақдим этилишининг мажбурий тартиби Ўзбекистон Республикасига парвозларни амалға ошираётган хорижий мамлакатлар ҳаво кемаларининг барча эксплуатантлари учун жорий этилади;

йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумот тизимини (кейинги ўринларда – тизим) ишлаб чиқиш ва жорий этиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 40 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган маблағлари ҳисобига молиялаштирилишини назарда тутган ҳолда ушбу тизимни ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг буюртмачиси ДХХ ЧҚ ҳисобланади;

O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligi

Kir. 923

2020 yil 20.05

тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва уни янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар ДХХ ЧҚга ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда ДХХ ЧҚ сервер ускуналарининг юқори тезликдаги алоқа каналларига, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ДХХ ЧҚнинг асосланган буюртманомалари бўйича алоқа каналларига ҳақ тўлаш ва тизимни бошқариш учун ҳар йили молиявий маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги бир ой муддатда хорижий мамлакатлар авиация маъмурияти ва хорижий авиаташувчилар ДХХ ЧҚга халқаро ташувчилар томонидан йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумот мажбурий равишда тақдим этилиши тизими амалга киритилиши тўғрисида хабардор қилинишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг
Чегара қўшинлари бўлинмаларига хорижий мамлакатларнинг
ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича
дастлабки маълумот тақдим этилиши тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари (кейинги ўринларда – ДХХ ЧҚ) ахборот тизимига хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича дастлабки маълумот тақдим этилиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ахборот тизими – таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси;

дастлабки маълумот – муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда қайд этилган шахсга доир маълумотларни ўзида акс эттирган ахборот;

дастлабки маълумот субъекти (субъект) – шахсга доир маълумотлар унга тааллуқли бўлган жисмоний шахс;

дастлабки маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор) – шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи;

дастлабки маълумотларга ишлов бериш – шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш;

хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари эксплуатанти – хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эгалик қилувчи, шу ҳаво кемасидан фойдаланишни амалга ошириш қобилияти эксплуатант сертификати билан тасдиқланган юридик ёки жисмоний шахс.

**2-боб. Йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумотни
тақдим этиш тартиби**

3. Хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумотни ДХХ ЧҚ ахборот тизимига тақдим этиш келишилган формат доирасида автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда электрон шаклда автоматлаштирилган ёки ярим

автоматлаштирилган режимда талаб этилаётган маълумотларни танлаш йўли билан:

ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишидан ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан учиб кетишидан ўн сутка олдин;

узоқ ва ўрта масофаларга парвозларни амалга ошириш чоғида ҳаво кемаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишидан уч соат олдин;

қисқа масофаларга парвозларни амалга ошириш чоғида ҳаво кемаси учиб кетиши вақтида амалга оширилади.

4. Хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари эксплуатантлари томонидан йўловчилар ташиш тўғрисидаги дастлабки маълумот ушбу Низомга 1-иловада назарда тутилган рўйхатга олинadиган операцияларни амалга ошириш чоғида тақдим этилади.

5. Рўйхатга олинadиган операциялар мажбурий турлари йўл ҳужжатини (чипта) брон қилиш, уни сотиш, қайтариш, йўловчини рўйхатдан ўтказиш, ҳаво кемасига йўловчини ўтказиш, ташишни ўзгартириш ёки бекор қилишни ўз ичига олади.

3-боб. Йўловчиларнинг шахсга доир маълумотларини тақдим этиш файлининг формати

6. Йўловчиларнинг шахсга доир маълумотларини тақдим этишда қуйидаги иккита форматдан фойдаланишга йўл қўйилади:

a) Comma Separated Values (CSV);

б) United Nations Directories for Electronic Data Interchange for Administration, Commerce and Transport (UN/EDIFACT) PAXLST стандарти.

7. CSV форматида йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумотни тақдим этиш ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган реквизитларга мувофиқ амалга оширилади.

8. UN/EDIFACT PAXLST форматида йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумотни тақдим этиш ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган реквизитларга мувофиқ амалга оширилади.

9. Ҳар қандай маълумотни тақдим этишда ушбу Низомга 4-иловада кўрсатилган йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумотларнинг барча мажбурий элементлари кўрсатилиши керак.

4-боб. Дастлабки маълумотни тақдим этиш усуллари

10. Йўловчилар тўғрисидаги дастлабки маълумот, режалаштирилган жадвал ўзгариши ва шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги шлюзлар орқали тақдим этилади:

FTP шлюзи;

SITATEX Type B шлюзи;

Интернет-портал;

SMTP шлюзи.

11. Дастлабки маълумотни тақдим этиш ҳаво кемаси эксплуатанти танловига кўра бир вақтнинг ўзида битта ёки бир нечта шлюзлар орқали амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир шлюзга уланиш параметрлари ДХХ ЧҚга тақдим этилади.

FTP шлюзи орқали маълумотлар RFC 4180га мувофиқ CSV форматида тақдим этилгани каби UN/EDIFACT стандарти PAXLST форматида ҳам тақдим этилиши мумкин.

12. Тақдим этилаётган файлларнинг номи ноёб бўлиши лозим. Улар ID_YYYY_MM_DD_NH_mm_ss_mss.ext шаблон асосида шакллантирилади. Бунда:

ID – ташувчининг (транспорт инфратузилмаси субъекти) ноёб идентификатори;

YYYY – йил (масалан, 2010);

MM – ой (01 дан 12 гача);

DD – кун (01 дан 31 гача);

NH – соатлар (00 дан 23 гача);

mm – дақиқалар (00 дан 59 гача);

ss – сониялар (00 дан 59 гача);

mss – миллисониялар (000 дан 999 гача);

ext – мазмунига кўра файлни кенгайтириш: csv (ажратувчиларга эга файл учун), edf (UN/EDIFACT учун).

Файл номида кўрсатилган сана ва вақт, жаҳон вақтига (UTC + 00) мувофиқ уни шакллантириш санаси ва вақтига тўғри келиши лозим.

13. Маълумот тақдим этиш тармоғининг талабларига мувофиқ:

тақдим этилаётган хабарнинг тавсия этиладиган ҳажми 3500 байтдан ошмаслиги керак;

тақдим этилаётган хабарнинг максимал рухсат этилган ҳажми 64 килобайтдан ошмаслиги керак.

5-боб. Ахборот бўйича ўзаро ҳамкорликни таъминлаш

14. Хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари эксплуатантлари ўз ахборот тизимлари ишида маълумот тақдим этилишига тўсқинлик қилаётган кутилмаган вазиятлар ва кўрилатган чоралар тўғрисида ДХХ ЧҚ зудлик билан хабардор этилишини таъминлайди.

15. Ахборот тизимлари ишида маълумот қабул қилинишига тўсқинлик қилаётган кутилмаган вазиятлар тўғрисида хорижий мамлакатларнинг ҳаво

кемалари эксплуатантларига хабар бериш, шунингдек, ДХХ ЧҚ томонидан ўз вақтида таъминланиши лозим.

16. Қабул қилиб олинган йўловчилар бўйича дастлабки маълумотлар хавфсизлигини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари асосида таъминлаш ДХХ ЧҚга юклатилади.

6-боб. Якунловчи қоида

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик
хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига
хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари
эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича
дастлабки маълумот тақдим этилиши тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Рўйхатга олинадиган операциялар тури ва кодлари

Код	Операция номи	Тавсифи
00	Брон қилиш	Агент ёки аэропорт кассалари орқали чиптани брон қилиш
01	Харид қилиш	Чипта тўловини амалга ошириш
02	Қайтариш	Чиптани қайтариш. Харидни рад этиш, чипта қийматини қайтариш
03	Қайта расмийлаштириш	Чипта харид килингандан сўнг рўйхатдан ўтказилгунга қадар маълумотларни ўзгартириш
04	Рўйхатдан ўтиш	Рўйхатдан ўтказиш ва бағажни расмийлаштириш жойида рўйхатдан ўтиш
05	Махсус назорат	Рўйхатдан ўтгандан сўнг ва рейсга чиқишдан аввал ҳужжатларни текшириш (масалан, божхона назорати / шахсий текширув)
06	Рейсга чиқариш	Гейт / чиқиш орқали ўтаётганда ҳужжатларни текшириш
07	Келиш (тушириш)	Рейснинг учиб келиш аэропортида ёки оралик (транзит) аэропортида қўниши
08	Амал қилишини тўхтатиш	Йўл ҳужжатини рўйхатдан ўтказиш ёки йўл ҳужжатини бекор қилиш тўғрисида белги қўйиш
09	Буюртмани рад этиш	Брон қилишни бекор қилиш, шу жумладан, йўловчининг илтимосига биноан
10	Интернет тармоғи орқали брон қилиш	Интернет тармоғи орқали чиптани брон қилиш
11	Он-лайн тарзда рўйхатдан ўтказиш	Интернет тармоғи ёрдамида ёки мустақил рўйхатдан ўтиш жойлари орқали рўйхатдан

Код	Операция номи	Тавсифи
		Ўтиш
12	Олдиндан брон қилиш	Рейс жўнашигача 24 соат олдин брон қилиш
13	Дастлабки брон қилишни рад этиш	Чипта тўлови амалга оширилмагани сабабли бекор қилинган брон қилиш
14	Жўнатиш	Рейснинг ҳақиқий учиб кетиши
15	Жўнатишни бекор қилиш	Йўловчини жўнатишни бекор қилиш. Йўловчини брон қилиш гуруҳидан чиқариш. Ҳаракатланиш йўлагидан чиқариш
16	Рўйхатдан ўтишни бекор қилиш	Рўйхатдан ўтгандан сўнг учини рад этиш, рейсдан олиш.
17	Маълумотларга тузатиш киритиш	Аввал тақдим этилган маълумотларнинг янгиланганларини бериш
50	Экипаж таркибига киритиш	Экипаж таркибига экипажнинг янги аъзосини киритиш
51	Экипаж таркибидан чиқариш	Экипаж таркибидан унинг бир нафар аъзосини чиқариш

Изоҳ. Йўловчилар учун 00-17, экипаж аъзолари учун– фақат 17, 50 ва 51 операциялар даврида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик
хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига
хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари
эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича
дастлабки маълумот тақдим этилиши тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**CSV форматида йўловчилар тўғрисида мажбурий дастлабки маълумотни тақдим этиш
РЕКВИЗИТЛАРИ**

Реквизит номи	Реквизит тавсифи	Маълумотлар тури	Изоҳ
surname	Фамилияси	С	
name	Исми	С	
patronymic	Отасининг исми ёки иккинчи исми	С	Мавжуд бўлса
docType	Хужжат турининг коди	С	Маълумотнома: шахсни тасдиқловчи хужжатлар турлари ва уларнинг кодлари
docNumber	Хужжат рақами	С	
birthdate	Туғилган санаси	Д	Шакли DD.MM.YYYY кўринишда (масалан, 18.01.2020), бунда DD – кун (01 дан 31 гача), MM – ой (01 дан 12 гача), YYYY – йил (масалан, 2020).
transfer	Йўналиш тури	Ч	Мазмуни: 0 – тўғридан-тўғри; 1 – транзит. Бажарилаётган рейс туташув рейсининг “плечо”си ҳисобланганда ва унда йўловчи транзит йўловчи ҳисобланганда код “1” кўрсатилади
overFlight	Тўғридан-тўғри рейс белгиси	Ч	Мазмуни: 1 – Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали тўғридан-тўғри амалга ошириладиган рейс;

			0 – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўнишни амалга оширадиган рейс.
typePDP	Шахсий маълумотлар тури	Ч	Маъноси: 0 – экипаж аъзоси; 1 – йўловчи.
crewRoleCode	Экипаж аъзоси тоифаси коди	С	Экипаж аъзоси учун мажбурий Мазмуни: 1 – учувчи таркиб (кема командири, учувчи, борт муҳандиси) ва учувчи кабинасидаги бошқа ходимлар; 2 – хизмат кўрсатувчи ходимлар (борткузатувчилар); 3 – авиакомпаниянинг парвозларни бошқариш учун жавоб берадиган ва учувчи кабинасига киришга рухсат берилган ходимлари (хавфсизлик хизмати ходимлари ва бошқалар); 4 – юк ташувчи самолётларнинг учувчи кабинасига киришга рухсат берилмаган ходимлари; 5 – хизматдан ташқари вақтда авиакомпаниянинг учувчи таркиби аъзоси (самолёт бортида имтиёзли шартларда бўлган).
operationType	Рўйхатга олинadиган операция коди	Ч	Ҳаво транспорти учун рўйхатга олинadиган операциялар тури
registerTimeIS	Рўйхатга олинadиган операцияни амалга ошириш санаси ва вақти	ДВ	Сана ва вақт кўрсатилади.
airlineCode	Ташувчи коди	С	ИАТА коди, йўк бўлса - ИCAO коди. Кўрсатилган кодлар бўлмаганда авиакомпаниянинг ДХХ ЧҚ ахборот тизими оператори томонидан бериладиган ноёб коди кўрсатилиши лозим. Ҳақиқатан ташувни амалга оширадиган ташувчи коди кўрсатилади.

flightNum	Рейс рақами	С	Жадвалга мувофиқ ҳақиқатдан бажарилаётган рейс рақами кўрсатилади (1 тадан 4 та рақамгача). Бизнес авиация парвозлари ва чартер рейсларини бажаришда ҳаво кемасининг рўйхат рақамини кўрсатиш мумкин.
operSuff	Операцион суффикс, агар бўлса	С	Бир ҳарфдан иборат. Ички жадвал рейслари рақамларига суффиксларни белгилаш учун қуйидаги ҳарфлардан фойдаланилади: кирил алифбосидаги ҳарфлар – Б, Г, Д, Е, Ф; лотин алифбосидаги ҳарфлар – В, G, D, E, F.
departPlace	Мунтазам (мавсумий) жадвал бўйича жўнаш аэропорти	С	IATA коди, бўлмаса – ICAO коди.
departDateTime	Мунтазам (мавсумий) жадвал бўйича рейснинг жўнаш санаси ва вақти	ДВ	Сана ва вақт кўрсатилади. Учиш санасини очик қолдирган ҳолда брон қилишни бажаришда жой бўш қолиши мумкин
arrivePlace	Мунтазам (мавсумий) жадвал бўйича белгиланган манзил аэропорти	С	IATA коди, бўлмаса - ICAO коди.
arriveDateTime	Мунтазам (мавсумий) жадвал бўйича қўниш санаси ва вақти	ДВ	Учиш санасини очик қолдирган ҳолда брон қилишни бажаришда жой бўш қолиши мумкин
gender	Жинси	С	Мазмуни: М - Male F – Female
citizenship	Фуқаролиги	С	Мамлакатлар коди, ICAO Document 9303 ISO 3166-1 alpha-2, alpha-3 га мувофиқ
pnrId	Брон қилиш рақами (PNR кўрсаткичи)	С	

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик
хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига
хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари
эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича
дастлабки маълумот тақдим этилиши тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

**UN/EDIFACT форматида йўловчилар тўғрисида мажбурий дастлабки маълумотни тақдим этиш
РЕКВИЗИТЛАРИ**

Реквизит номи	PAXLST реквизити (гурух/сегмент/тэг/номи)	Изоҳ	CSV форматида тегишли реквизитларининг номи
Фамилия	Group4/NAD/C080:3036/ Party name (1)		surname
Исм	Group4/NAD/C080:3036/ Party name (2)		name
Отасининг исми ва иккинчи исми	Group4/NAD/C080:3036/ Party name (3)	Мавжуд бўлса	patronymic
Хужжат тури коди	Group5/DOC/C002:1001/ Document name code	Мазмуни: I – идентификацион карта; T – такроран кириш учун рухсат; қочоқ гувоҳномаси; A – фуқаро– норезидент картаси; C – фуқаро–резидент картаси; M – ҳарбий гувоҳнома; P – паспорт.	docType
Хужжат рақами	Group5/DOC/C503:1004/ Document identifier		docNumber
Туғилган сана	Group4/DTM/C507:2380/ Date or time or period text,при DTM/C507:2005 = '329'		birthdate
Шахсий маълумотлар тури		Мазмуни: FL йўловчи; DDU – транзит йўловчи; FM – экипаж аъзоси; DDT – экипажнинг транзит аъзоси	typePDP
Ҳаракатланиш йўналиши тури			transfer
Экипаж аъзоси тоифасининг коди	Group4/EMP/C948:9005/ Employment category description code EMP/9003 = '1' да	Экипаж аъзоси учун мажбурий Мазмуни:	crewRoleCode

Реквизит номи	PAXLST реквизити (гурух/сегмент/тэг/номи)	Изох	CSV форматда тегишли реквизитларнинг номи
		<p>CR1 – учувчи таркиб (кема командири, учувчи, борт муҳандиси) ва учувчи кабинасидаги бошқа ходимлар;</p> <p>CR2 – хизмат кўрсатувчи ходимлар (борткузатувчилар);</p> <p>CR3 – авиакомпаниянинг парвозларни бошқариш учун жавоб берадиган ва учувчи кабинасига киришга рухсат берилган ходимлар (хавфсизлик хизмати ходимлари ва бошқалар);</p> <p>CR4 – юк ташувчи самолётларнинг учувчи кабинасига киришга рухсат берилмаган ходимлар;</p> <p>CR5 – хизматдан ташқари вақтда авиакомпаниянинг учувчи таркиби аъзоси (самолёт бортида имтиёзли шартларда бўлган).</p>	
Рейс рақами	Group2/TDT/8028/ Means of transport journey identifier.	<p>1) Мунтазам парвозлар учун рейснинг ташувчи коди ва операцион суффиксдан иборат бўлган рақами кўрсатилади.</p> <p>2) Бизнес авиация парвозлари ва чартер рейсларини бажаришда ҳаво кемасининг рўйхат рақамини кўрсатиш мумкин. Бундай ҳолда, ташувчининг коди кўрсатилиши керак (Group2/TDT/C040:3127/).</p>	flightNum
	при TDT/8051 ='20'	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўниши амалга оширадиган рейс.	overFlight
	при TDT/8051 ='34'	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали тўғридан-тўғри ўтадиган рейс.	overFlight
Ташувчи коди	Group2/TDT/C040:3127/	IATA коди, йўқ бўлса – ICAO коди. Кўрсатилган кодлар бўлмаганда авиакомпаниянинг ДХХ ЧҚ ахборот тизими оператори томонидан бериладиган ноёб	airlineCode

Реквизит номи	PAXLST реквизити (гурӯх/сегмент/тэг/номи)	Изоҳ	CSV форматида тегишли реквизитларнинг номи
		коди кўрсатилиши лозим. Ҳақиқатдан ташувни амалга оширадиган ташувчи коди кўрсатилади	
Режа жадвали бўйича жўнаш аэропорти	Group3/LOC/C517:3225/ Location name code, при LOC/3227 ='92'	IATA коди, йўқ бўлса – ICAO коди.	departPlace
	при LOC/3227 ='125'	Жўнаш мамлакатада оралик аэропорти	departPlace
		Жўнаш мамлакатада рейсинг сўнгги аэропорти	departPlace
Режа жадвали бўйича рейсни жўнатиш санаси ва вақти	Group3/DTM/C507:2380/ Date or time or period text, при DTM/C507:2005 ='189'	Маҳаллий вақт бўйича	departDateTime
Режа жадвали бўйича белгиланган манзил аэропорти	Group3/LOC/C517:3225/ Location name code, при LOC/3227 ='87'	IATA коди, йўқ бўлса - ICAO коди.	arrivePlace
	при LOC/3227 ='92'	Белгиланган манзил мамлакатада биринчи аэропорт	arrivePlace
	при LOC/3227 ='130'	Белгиланган манзил мамлакатада оралик аэропорт	arrivePlace
		Белгиланган манзил мамлакатада рейсинг сўнгги аэропорт	arrivePlace
Режа жадвали бўйича кўниш санаси ва вақти	Group3/DTM/C507:2380/ Date or time or period text, при DTM/C507:2005 ='232'	Маҳаллий вақт бўйича	arriveDateTime
Жинси	Group4/ATT/C956:9019/ Attribute description code, ATT/9017 ='2' да	Мазмуни: М – эркак F – аёл	gender
Фуқаролиги	Group4/NAT/C042:3293/ Nationality name code, NAT/3493 ='2' да		citizenship
PNR кўрсаткичи коди	Group4/RFF/C506:1154/ Reference identifier RFF/C506:1153 ='AVF' да		pnrId
Рўйхатга олинадиган операциянинг санаси ва вақти	UNB/S004:0017/ Date of preparation	'YYMMDD' форматида кўрсатилади	registerTimeIS
	UNB/S004:0019/ Time of preparation	Жўнаш аэропорти маҳаллий вақти бўйича 'HHMM' форматида кўрсатилади	

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик
хизматининг Чегара қўшинлари бўлинмаларига
хорижий мамлакатларнинг ҳаво кемалари
эксплуатантлари томонидан йўловчилар бўйича
дастлабки маълумот тақдим этилиши тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

PAXLST хабари сарлавҳасида сегмент мазмунига қўйиладиган талаблар

PAXLST реквизити (сегмент/тэг/номи)	Эҳтимоли бўлган мазмун	Изоҳлар
BGM/C002:1001/ Document name code	745 – йўловчилар рўйхати 250 – экипаж аъзолари рўйхати 266 – рейс мақомида ўзгаришлар	
BGM/C106:1004/ Document identifier при BGM/C002:1001=745	<туширилган> - йўловчилар рўйхати	
CP – йўловчилар маълумотларини ўзгартириш		
XR – йўловчи бўйича брон қилишни бекор қилиш		
RP– йўловчини брон қилиш гуруҳидан чиқариш	(1)	
CI:1.0 – рўйхатга олиш натижаларига кўра йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати	(1) Қуйидагилар ўрнига фойдаланиш мумкин BGM+266+CL	
DC:1.0 – ҳаво кемаси бортидаги йўловчилар рўйхати	(1) Қуйидагилар ўрнига фойдаланиш мумкин BGM+266+CLOB	
DE:1.0 – рўйхатдан ўтган, бироқ ҳаво кемаси бортига чиқмаган йўловчилар рўйхати	(1) Қуйидагилар ўрнига фойдаланиш мумкин BGM+266+CLNB	
BGM/C106:1004/ Document identifier при BGM/C002:1001=250	<туширилган> - экипаж аъзолари рўйхати, йўловчи рейси	
C –экипаж аъзолари рўйхати, йўловчи рейси	(1)	
СС – экипаж аъзолари маълумотларини ўзгартириш, йўловчи ташиш рейси		
B –экипаж аъзолари рўйхати, юк ташиш рейси (2)		
BC – экипаж аъзолари маълумотларини ўзгартириш, юк ташиш рейси (2)		
A – экипаж аъзолари рўйхати, ЎзР ҳудудига қўнмасдан бажариладиган йўловчи ташиш рейси	(1)	
D – экипаж аъзолари рўйхати, ЎзР ҳудудига қўнмасдан бажариладиган юк ташиш рейси (2)	(1)	
BGM/C106:1004/ Document identifier BGM/C002:1001=266 да	CL – рўйхатга олиш натижаларига кўра йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати	(1)
CLOB – ҳаво кемаси бортидаги йўловчилар рўйхати		
CLNB – рўйхатдан ўтган, бироқ ҳаво кемаси бортига чиқмаган йўловчилар рўйхати		

Белгилашлар:

- (1) – техник имконият мавжуд бўлганда шакллантирилади;
(2) – бортида йўловчилар мавжуд бўлган юк ташиш рейси.

**PAXLST хабарлари кўринишида йўловчилар тўғрисида шахсий
маълумотларни такдим этиш тартиби**

1-вариант – хабарларни пакет кўринишида такдим этиш

Давр (гача)	Хабар тури	Хабар мазмуни	Изоҳ
STD-24h	BGM+745	Йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати	М
STD-6h	BGM+745	Йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати	М
ETD-15min (рўйхатга олишнинг тугаши)	BGM+745+CP ёки BGM+745 ёки BGM+266+CL	Йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати	М
	BGM+745+XR ва/ёки BGM+745+RP	Рўйхатга олиш тугашигача ташишни рад этган йўловчилар рўйхати	С
ATD+40min (рейсни ёпиш)	BGM+266+CLOB	Бортдаги йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати (рўйхатга олиш тугаганидан сўнг ўзгаришлар мавжуд бўлганда такдим этилади)	С
	BGM+266+CLNB	Рўйхатдан ўтган, бироқ ҳаво кемаси бортига чиқмаган йўловчилар рўйхати (рўйхатга олиш тугаганидан сўнг ўзгаришлар мавжуд бўлганда такдим этилади)	С

2-вариант – маълумотлар ўзгаргани бўйича хабарларни такдим этиш

Давр (гача)	Хабар тури	Хабар мазмуни	Изоҳ
STD-24h	BGM+745	Брон қилиш тизимидан йўловчилар рўйхати (PNL)	М
STD-6h ва ETD-15min (рўйхатга олишнинг тугаши)	BGM+745	Брон қилиш тизимидан янги йўловчилар (ADL ADD)	С
	BGM+745+CP	Рўйхатга олиш жараёнида йўловчиларнинг шахсий маълумотлари ўзгариши	С
	BGM+745+CP	Рўйхатдан ташқари йўловчини рўйхатга олиш (Go-Show/NOREC)	С
	BGM+745+XR ёки BGM+745+RP	Учишни рад этган йўловчилар рўйхати (Брон қилиш тизимидан ADL DEL келиб тушганда)	С
	BGM+745+XR ёки BGM+745+RP	Рўйхатдан ўтиш жараёнида ташувни рад этиш	С
ATD+40min (рейсни ёпиш)	BGM+266+CLOB	Бортдаги йўловчиларнинг тўлиқ рўйхати (рўйхатга олиш тугаганидан сўнг ўзгаришлар мавжуд бўлганда такдим этилади)	С

	BGM+266+CLNB	Рўйхатдан ўтган, бироқ ҳаво кемаси бортига чиқмаган йўловчилар рўйхати (рўйхатга олиш тугаганидан сўнг ўзгаришлар мавжуд бўлганда тақдим этилади)	С
--	--------------	---	---

Қисқартмалар:

STD – мавсумий жадвал бўйича жўнаш вақти;

ETD – ҳисоб-китобларга кўра жўнаш вақти;

ATD – ҳақиқий учиш вақти;

М – мажбурий тақдим этиш;

С – йўловчиларнинг аввал тақдим этилган шахсий маълумотлари билан таққослаганда маълумотларда ўзгариш бўлган ҳолларда берилади.

PAXLST хабарлари кўринишида экипаж аъзолари тўғрисида шахсий маълумотларни тақдим этиш тартиби

Давр (гача)	Хабар тури	Хабар мазмуни	Изоҳ
STD-24h	BGM+250	Экипаж аъзолари рўйхати, йўловчи ташиш рейси	М
	BGM+250+C	Экипаж аъзолари рўйхати, йўловчи ташиш рейси	(1)
	BGM+250+B	Экипаж аъзолари рўйхати, юк ташиш рейси (2)	М
	BGM+250+A	Экипаж аъзолари рўйхати, ҳудудда қўнмасдан бажариладиган йўловчи ташиш рейси (2)	(1)
	BGM+250+D	Экипаж аъзолари рўйхати, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўнмасдан бажариладиган юк ташиш рейси (2)	(1)
ATD	BGM+250+CC	Экипаж аъзолари маълумотларининг ўзгартириш, йўловчи ташиш рейси	С
	BGM+250+BC	Экипаж аъзолари маълумотларининг ўзгартириш, юк ташиш рейси (2)	С

Қисқартма ва белгилашлар:

STD – мавсумий жадвал бўйича жўнаш вақти;

ATD – ҳақиқий учиш вақти;

М – мажбурий тақдим этиш;

С – аввал тақдим этилган маълумотлар билан таққослаганда ўзгариш мавжуд бўлган ҳолларда берилади;

(1) – техник имконият мавжуд бўлганда шакллантирилади;

(2) – бортида йўловчилар мавжуд бўлган юк ташиш рейси.

Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар турлари ва уларнинг кодлари

Коди	Шахсни тасдиқловчи ҳужжат номи
00	Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти
01	Ўзбекистон Республикаси фуқароси хорижий паспорти
02	Чет эл фуқароси паспорти
03	Туғилганлик ҳақида гувоҳнома
04	Ҳарбий хизматчи шахсини тасдиқловчи гувоҳнома
05	Фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома
06	Ички ишлар органлари томонидан бериладиган вақтинча шахсни тасдиқловчи гувоҳнома
07	Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиси ҳарбий гувоҳномаси
08	Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш учун гувоҳномаси
12	Дипломатик паспорт
15	Паспорт йўқолгани тўғрисида маълумотнома

